UZINVEST.UZ

ЛОЙИҲАЛАРНИ ИЗЛАШ ВА ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛБ ҚИЛИШ

Лойиха № 1443
Шарқ фольклори асосида яратилган тарихий мультсериал

Лойиха учун керакли бўлган инвестиция миқдори: **$ 900 000**


Лойиҳа муаллифи киритган сармоя: **$ 300 000**

Инвестиция сармоясининг рентабеллиги: **80 %**

Йиллик соф фойда: **$ 900 000**

Лойиҳа бўйича қўшимча маълумот олиш учун:
+99898 338 93 33
+99890 925 96 81

info@uzinvest.uz



Лойихан мазмуни: Лойиҳа муаллифи Қадимги Шарқ хазиналари – Хитойдан Испаниягача бўлган Буюк Ипак йўли ҳақидаги афсона ва эртаклар ҳақида 3D анимацион сериал (мультсериал) яратди.

Лойиҳа муаллиф Махмудова Гулчеҳрабегимнинг Ўзбекистонда нашр этилган эртак китоблари трилогияси асосида бошланган ва у бўйича давомийлиги ҳар бири **10-12** дақиқа бўлган **28** қисмдан иборат кенгайтирилган сценарий ёзилган. Муаллиф **1-2** қисмларни яратиш учун **$300 000** сармоя киритган.

Мультфильм Шарқ фольклори, эртаклар ва Буюк ипак йўлининг тарихий фактлари ҳақида таълимий ва кўнгилочар мазмунга эга бўлиб, у дунёнинг **20** та давлатида ҳар ой **10 миллион** фойдаланувчи томонидан томоша қилинувчи **ViNTERA TV** платформасида намойиш этилади.

Бозор талаби:

Шарқ фольклорига асосланган мультсериалларга бозор талаби жуда юқори. Бу нафақат Осиё маданияти ва санъати тез суръатларда машҳур бўлаётганлиги, балки айни вақтда бундай мульсериаллар сони камлиги билан ҳам боғлиқ.

Шарқ фольклори илоҳийлик, сирлилик ва маданий анъаналарнинг ўзига хос аралашмаси туфайли жозибали сюжетлар ва персонажларнинг чексиз манбаи ҳисобланади. Шарқ ҳақидаги мультсериаллар нафақат қизиқарли ҳикояларни тақдим қилади, балки

томошабинларга Шарқ анъаналари, тиллари ва маданий хусусиятларининг ноёб тажрибасига шўнғиш имконини беради.

Шунга ўхшаш лойиҳаларнинг этишмаслигини ҳисобга олган ҳолда, томошабинларга Шарқ маданиятига ноёб нуқтаи назарни тақдим этиш орқали кўнгилочар ва таълим элементларини бирлаштирган ушбу мультсериал кенг аудиторияни жалб қилиши ва кўнгилочар мультсериаллар бозоридаги сезиларли бўшлиқни тўлдириши кутилмоқда.

Лойиҳа муаллифи ҳақида:

Гулчеҳра бегим Маҳмудова, санъатшунослик фанлари номзоди. Kommersant.uz версияси бўйича Ўзбекистондаги биринчи ишбилармон аёл. ЮНЕСКО офицери унвони билан БМТнинг халқаро курслари дипломига эга. “Women of the Future” (Dubai, UAE-2022) кубоги соҳибаси. 1990 йилдан ҳозирги кунгача “Бегим” МЧЖ асосчиси ва бош директори – Ўзбекистон бозорида парфюмерия-косметика ва ҳашаматли жаҳон брендлари дўконлари тармоғининг эксклюзив дистрибютори. Францияда ишлаб чиқарилган "Бегим" Шарқ парфюмерия брендининг яратувчиси. Детектив романлар ва жаҳон цивилизациясининг буюк тарихи ва маданияти хазиналари ҳақида 28 серияли «Флакон Хрустального Кальяна-1,2,3.» телефильми муаллифи. Тематик Edutainment Park «SilkRoadLand» лойиҳаси муаллифи. Болалар учун «Приключения Духа Времен-1,2,3» эртак китобларининг муаллифи. "Буюк Ипак йўли афсоналари" 3D анимацион фильмининг муаллифи, продюсери ва сценаристи (28 қисм 10-12 дақиқадан).

Лойиҳанинг афзалликлари:

Мультсериалнинг дастлабки қисми энг яхши анимацион фильм учун 2022 йилги “Олтин Хумо” Ўзбек миллий мукофоти совриндори бўлди. Мультсериал қахрамонлари «SILKROADLAND» номли Шарқона истироҳат боғининг франчайзинг лоҳийасида қахрамонларни яратиш усун асос бўлади, бу эса бренд маҳсулотлар сотишни бошлаш имконини беради. Истироҳат боғи жаҳонга машҳур **Disneyland, Universal Studio, Ferrari, Kidzania** каби кўнгилочар боғларни бошқарувчи Франциянинг “VolterebyEgis” жамоаси томонидан бошқарилади.

Керакли инвестиция миқдори: $ 900 000

№	Номланиши	Сумма, $
1	Мультфильмнинг 1-фасли 6 та қисмини яратиш	900 000
Жами		**900 000**

- Биринчи фасл намойиши учун даромад (бренд маҳсулотлар сотувидан тушувчи даромаддан ташқари): **$ 1 800 000**
- Биринчи фасл учун харажатлар: **$ 900 000**
- Биринчи фасл намойиши учун соф фойда: **$ 900 000**
- Инвестиция капиталининг рентабеллиги: **80 %**

$$\textbf{ROI} = \frac{\text{Чистая прибыль}}{\text{Сумма инвестиций}} \times \text{Доля инвестора} * 100\% = \textbf{80\%}$$

Фойданинг тақсимланиши:

Инвестор киритган сармояси тўлиқ қоплангунига қадар фойданинг **80%**га эгалик қилади, лойиҳа Муаллифи эса **20%**. Инвесторнинг киритган сармояси тўлиқ қоплангач Инвестор бизнесда **50%** улушини сақлаб қолади, лойиҳа Муаллифи эса **50%.**